# ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 21

**Нуробод тумани** **« 17 » « январ » 2022 йил**

**«Нурбулоқ Қиличли чорваси» Ф\Х**,кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **Д.Хушвақтов** номидан, бир томондан ва **Нуробод туман мактабгача таьлим бўлими** кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи **Д.Амирова** номидан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| Т/Р | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | Кг | 280 | 64 000 | 17 920 000 |
| ЖАМИ: | | | | | 17 920 000 |

## ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси суммаси **17 920 000 ( Ўн етти миллион тўққиз юз йигирма минг )** сўмни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 15 % ни ташкил килади.
2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1.** Сотувчининг ҳуқуқлари:
- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

**3.2. Сотувчининг мажбуриятлари:**
3.2.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
3.2.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
3.2.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
3.2.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.3.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:
- сотиб олаётган товарни ўзига мулк килиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш

**3.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:**
3.4.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
3.4.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
3.4.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.
5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар кийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.
5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.
5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.
5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган такдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган пайтдан **2022 йил «31» декабргача** амал қилади.
6.2 Мазкур шартнома икки нусҳада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусҳадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

### 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иктисодий суд тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иқтисодий судда хал қилинади.

### 8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилиб бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги" ги конуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

### 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

9.3 Мазкур **17 920 000** сўмлик, № 21-сонли шартнома 2022 йил « 17 » январда 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Нуробод туман буйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Сотувчи» | «Сотиб олувчи» |
|---|---|
| **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф\Х** | **Нуробод мактабгача таълим бўлими** |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил Нуробод тумани | Манзил: Нуробод шахри |
| х/р 20208000500600335001<br>МФО 00740<br>ИНН 303712314 | Тел./факс 633-16-17<br>ш/х* 400522860182357091100251001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207266544<br>ОКОНХ 84119 |
| Оконх | Нуробод тумани буйича Газначилик булинмаси<br>Ғазна х/р: 23402000300100001010 |
| Банкнинг номи: Нуробод Халқ банк | Банкнинг номи Тошкент Марказий банк ХККМ<br>МФО 00014<br>Ғазначилик булинмаси СТИРи 201122919 |
| Раҳбар **Д.Хушвактов** | Раҳбар **Д.Амирова** |
| (имзо) | (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

« 17 » январ 2022 йилдаги № 21 - сонли шартноманинг 2-варағи

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: LS77701 41535

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY

## X U L O S A

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma

**2. Loyihaning nomi:** « Nurbuloq Qilichli chorvasi » fermer xo‘jaligi bilan tuzilgan 21-sonli oldi-sotdi shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:**

Nurobod tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan 27.01.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi uchun kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil « 28 » yanvar

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsult** **F.Tilavov**

**4-шакл**

*Давлат ветеринария хизматлари ҳамда ишлаб чиқариш хизмати ветеринария врачлари томонидан давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларга берилади.*

Ўзбекистон Республикаси
Давлат ветеринария назорати

(Ўзбекистон Республикаси субъекти)

Нуробод тумани

(туман, шаҳар)

(ветеринария муассасининг номи)

# ВЕТЕРИНАРИЯ МАЪЛУМОТНОМАСИ

№ 082560 "21" 01 2022 й.

Мен, қуйида имзо чекувчи ветеринария врачи, ушбу ветеринария гувоҳномасини бердим

Хомраев Р.И.

(техник хом ашё ёки озуқалар номи)

шу ҳақидаги, Семиз хукиз.
(маҳсулот номи)

миқдордаги 287 кг 2 бош хукиз
(жой, дона, кг) (ўрами) (тамғалаш)

келиб чиқиши Нуробод Қишлоқ Чорвоқ ф/х
(худуд номи аниқ кўрсатилади: МФЙ, ҚФЙ, кўча номи, корхона, ташкилот, хўжалик номи ва х.к.)

Даввехизмати назорати остида ишлаб чиқилган (тайёрланган) Дуласой
(ишлаб чиқарувчи номи, эгасининг ФИШ, манзили)

Қушхона ОК

ва яроқли деб ҳисобланади сотпоч
(бокиш, сўйиш, чекловларсиз сотиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш учун агар чекловлар бўлса-сабаби ва тартиби кўрсатилади)

жўнатилмоқда Автомашина мерседес юк
(транспорт тури, йўналиш маршрути)

қаерга Нуробод туман ИТМ
(олувчининг номи ва манзили)

бўйича
(маҳсулот транспорт хужжати номи, рақами ва берилган сана)

Транспорт воситаси тозаланган ва дезинфекцияланган.

Маълумотнома ортиш, йўналиш давомида назорат учун ва юк қабул қилиб олувчига берилади. Маълумотноманинг нусхалари ҳақиқий эмас. Бланк тўлдиришда тартиб бузилишлари аниқланганда, маълумотномада аниқланган камчиликлар кўрсатилган ҳолда берилган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси субъекти бўлган давлат ветеринария инспекторига берилади.
**Маълумотнома фақат туман (шаҳар) худудида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни ташиш учун берилади.**

"DULASOY QUSHXONA" QUSHXONA OILAVIY KORXONASI

Ветеринария врачи
(имзо ва лавозими тўлиқ номи)

М.Ў. Хомраев Р.И.
(фамилияси, исми шарифи)

Иктисослашган
Корхонасининг юридик
манзили:
«Дуласой Кушхона» оилавий
корхонаси

*Хайвонларни индентификация
килиш, Уларни хисобга олиш,
хисобдан чикариш ва саклаш
тартиби тугрисидаги НИЗОМГА
8-илова*

**ХАЙВОН СУЙИЛГАНИ ТУГРИСИДА**

**МАЪЛУМОТНОМА Ф-200**

№ 7

Берилди ушбу маълумотнома шу хакдаким Нурбулоқ Қишлоғи Чорвачи Ф/х

Индентификация раками №________________ булган хайвон

«Дуласой Кушхона» оилавий корхонаси замоновий автоматлашган кушхона комплексида суйилди.

Дастлабки курик натижалари:

Нимта огирлиги 287 (икки юз саксон етти) кг

Гуштни курикдан утказиш натижалари:

соғлом

Ички аъзоларини курикдан утказиш натижалари:

соғлом

Аникланган паразитар касалликлар:

йўқ, соғлом

Юкумли касаликлар гумон килиниши:

соғлом

Амалга оширилган чоралар: истеъмолга ярокли

«Дуласой Кушхона» оилавий корхонаси

Врачи: Хаиров Р.М.

«21» январ 2022 йил

**“ Т А С Д И Қ Л А Й М А Н ”**

**Нуробод туман мактабгача таьлим бўлими**

**мудири _____________ Д.Амирова**

**2022 йил « 17 » « январ »**

**Нуробод туман мактабгача таьлим булимига карашли мактабгача таьлим ташкилотлари учун гўшт маҳсулотлари харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши**

**Б А Ё Н И № 17**

**2022 йил « 17 » « январ »** **Нуробод тумани**

**Раислик қилувчи** **Рахбар Д.Амирова**
**Иштирок этдилар** **Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)**

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

**Нуробод туман мактабгача таьлим бўлими тасарруфидаги МТТларга гўшт маҳсулотларини сотиб олиш бўйича** бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган.

Йиғилишда мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган гўшт маҳсулотларининг тур, ўлчам ва нархлари ўрганилиб чиқилди. Хусусан, доимий ишловчи танлов (тендер) комиссияга қўйидаги етказиб берувчилар томонидан тижорат таклифлари тақдим қилинган:

- Нуробод туманида жойлашган **« Шохрухжон Омад Савдоси » ХК** томонидан 2022 йил **« 13 » «январ»даги № 101** сонли хат билан;

- Нуробод туманида жойлашган **«Исломбек-Усмонжон бизнес барака» ОК** томонидан 2022 йил **«14» «январ»даги № 88** сонли хати билан

- Нуробод туманида жойлашган **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** томонидан 2022 йил **« 13 » «январ»даги № 21** сонли хати билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

“Корхоналар томонидан гўшт маҳсулотлари харид қилиш сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (ҳар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириб туриш кафолати берилган”.

| № | Эълон берилган товар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат) нархи | ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | «Шохрухжон Омад Савдоси» ХК | «Исломбек-Усмонжон бизнес барака» ОК | « Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х |
| 1 | Мол гўшти | Кг | 280 | 66 000 | 65 000 | 66 000 | 64 000 |
| | ИТОГО: | | | | | | |

“Комиссия аъзолари томонидан бюджет маблағларини максимал иктисод қилиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида **«Нурбулоқ Қиличли чорваси» Ф/Х** имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди» йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоқлиги, транспорт харажатларини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

**Нуробод туман мактабгача таьлим бўлими тасарруфидаги МТТларга гўшт махсулотларини сотиб олиш учун**:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаши сабабли **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** томонидан гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ишларини бошлашига карор килади.

2. **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** дан гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** дан гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказиш белгилансин.Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ икки томонлама хўжалик шартномаси тузилсин.

4. **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** дан гўшт маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экпсертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Нуробод тумани Ғазначилик бўлинмаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

Нуробод тумани Ғазначилик бўлинмасига 20 кун муддат ичида хўжалик шартномалари билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;

- мазкур комиссия йиғилииши баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;

- икки томонлама, **« Нурбулоқ Қиличли чорваси » Ф/Х** томонидан жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган адвокатлар ёки юристлар алохида юрист хулосалари;

- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган лицензия;

- йўриқномаларда белгиланган бошқа тегишли хужжатларни тақдим қилинсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати Ғ.Худиятовга юклатилсин.

| | | |
|---|---|---|
| Ғ.Хидоятов | | Комиссия аъзоси |
| Ш.Аллабердиев | | Комиссия аъзоси |
| Х.Хидиров | | Комиссия аъзоси |
| А.Ортиқов | | Комиссия аъзоси |
| Э.Суюнов | | Комиссия аъзоси |

O'Z.R.
SAMARQAND VILOYATI
NUROBOD TUMANI
«SHOXRUXJON
OMAD SAVDOSI»
XUSUSIY KORXONASI
«13» 01 2022 y.
№ 101
MANZILI:NUROBOD SHAXRI

Гўшт махсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи
танлов комиссиясига

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган « Шохрухжон Омад
Савдоси » Х/К

ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

М А Ь Л У М О Т

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 65000 |

Нуробод туманида жойлашган « Шохрухжон Омад
Савдоси » Х/К  рахбари: М.Хайитова

Гўшт маҳсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
NUROBOD TUMANI
ISLOMBEK USMONJON
BIZNES BARAKA
OILAVIY KORXONASI
«14» 01 2022Y
№ 88
Nurobod tumani,
Amir Temur ko'chasi

## ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган «Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» ОК

## ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

## М А Ъ Л У М О Т

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 66000 |

Нуробод туманида жойлашган «Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» ОК рахбари: З.Йўлдошева

Гўшт махсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига

# ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

O'ZB.RES. SAMARQAND VILOYATI NUROBOD TUMANI «NURBULOQ QILICHLI CHORVASI» FERMER XO'JALIGI №21 «13» 01 2022 Nurobod tumani Qilichli qishlog'i

Нуробод туманида жойлашган «Нурбулок Қиличли чорваси» Ф/Х

# ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

«Нурбулоқ Қиличли чорваси» Ф/Хнинг болалар овқатланиши учун

етказиб берадиган гўшт махсулотлари номлари ва нархлари тўғрисида

## М А Ь Л У М О Т

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Мол гўшти | кг | 64000 |

Нуробод туманида жойлашган «Нурбулок Қиличли чорваси» Ф/Х рахбари: Д.Хушвақтов

O'ZB.RES. SAMARQAND VILOYATI NUROBOD TUMANI FERMER XO'JALIGI «NURBULOQ QILICHLI CHORVASI»